

Наргиза Исмолова,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти

ИСЛОМ ДИНИДА АЁЛЛАР МАВҚЕИГА ЭЪТИБОРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Инсоният амал қилиб келаётган динларда аёлларни улуғлашга бўлган эътибор адолат тарозусининг бир палласига ва ислом динидаги аёлларга бўлган эътибор иккинчи паллага қўйилса, тарозунинг иккинчи палласи оғир келиши аниқ. Дарҳақиқат, ислом дини аёл зотини улуғлайди. Унинг ҳақ-хуқуқлари дахлсизлигини таъминлайди. Зеро, ислом шариати аёлни инсоният жамиятида ўз ўрнига эга инсон эканини исботлади, унга ўз ҳақ-хуқуқларини, шаъни ва қадр-қимматини тиклаб берди. Муқаддас динимиз исломда барчага бирдек хитоб қилиниб, эркак ва аёлларга тенглик ила муомала қилинган. Шунингдек, ислом шариати умумий шаклда аниқ мақсадга эришишни кўзлаган бўлиб, у ҳимоя деб аталади. Ҳимоя эса турли жабҳаларда, турли шаклларда намоён бўлади.

Исломдан аввалги давр – жоҳилият асрида аёлларга шахс сифатида қаралмаган. Кимнинг уйида қиз фарзанд дунёга келса, энг аввало ота ундан нафратланган. Ушбу ҳақиқатни бизга Қуръони карим баён этади:

“Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупрокқа қориш

(тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг “ёмон”лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади”¹.

Демак, ислом келишидан аввалги замонда жамиятда ижтимоий адолат меъёрлари бузилиб, хотин-қизларга нисбатан ҳақсиз муомала ва муносабат кўрсатилган. Ислום илоҳий таълимот сифатида келганидан сўнг мана шу адолатсиз ва ноинсоний муносабатни ислоҳ қилди. Бу диннинг пайғамбари Муҳаммад (а.с.):

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: «خَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِأَهْلِهِ، وَأَنَا خَيْرُكُمْ لِأَهْلِي» رواه الترمذي

яъни, **“Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши бўлганларингиздир. Ичингизда ўз аҳли аёлига энг яхшингиз менман”²**, дея марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

Аёл зоти оилада ҳам, бутун жамиятда ҳам ўзининг муносиб ўрнини топиши учун аввало яратилган имконият ва шароитлардан унумли

¹ Қуръони карим. «Наҳл» сураси, 58–59-оятлар.

² Имом Термизий ривоят қилган.

фойдаланиши керак. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи дунёвий қоидалар билан бирга ислом шариати ҳам уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгалиги, аёлларнинг ўзига муносиб вазифада ишлаши, саломатлигини муҳофаза қилиши, мол-мулкни қўпайтириши, унинг дахлсизлигини таъминлашини кафолатлаган.

Ислонинг дин сифатида шаклланган илк кунлариданоқ

حَدَّثَنَا آدَمُ، قَالَ: حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، قَالَ: حَدَّثَنِي ابْنُ الْأَصْبَهَانِيِّ، قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا صَالِحٍ دَكْوَانَ، يُحَدِّثُ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَتِ النِّسَاءُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: غَلَبْنَا عَلَيْكَ الرِّجَالُ، فَأَجْعَلْ لَنَا يَوْمًا مِنْ تَفْسِكَ، فَوَعَدَهُنَّ يَوْمًا لَقِيَهُنَّ فِيهِ، فَوَعَظَهُنَّ وَأَمَرَهُنَّ

яъни, “Абу Саид Худрийдан: “Аёллар Расулуллоҳ (с.а.в.)га: “Эркаклар сиздан ҳар кун илм ўрганишмоқда, бизга ҳам бир кун ажратинг”, – дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кунни тайинлаб, ўша кун келгач, уларга ваъз-насиҳат айтдилар, баъзи диний ишларни буюрдилар”.

Ҳадисдан маълум бўладики, аёлларнинг таълим-тарбияси муҳим масала бўлиб, жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муносабатларни қарор топтиришга катта ҳисса қўшади. Шунингдек, мазкур мисолнинг ўзиёқ, бугунги кунда аёлларнинг жамиятдаги ўрнини етарли баҳоламайдиган, уларнинг илм ўрганиши, касб-хунар эгаллашининг аҳамиятини инкор этадиган баъзи мутаассиб шахсларга қарши кучли далил бўла олади.

Эркак ва аёлнинг маънавий тенглиги масаласи Қуръони каримда равшан баён этилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатгўй эркаклар ва итоатгўй аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабр-қаноат қилувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилувчи аёллар, тавозули

эркаклар ва тавозули аёллар, хайру садақа қилувчи эркаклар ва хайру садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақлагувчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақлагувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуг мукофот (яъни, жаннат) тайёрлаб қўйгандир”³.

Ушбу ояти карима яхшилик ва эзгу амалларда, тоат ва ибодатда аёл зоти худди эркак сингари бирдек ажру мукофотга сазовор бўлишига далолат қилади.

Ривожланган мамлакатларда аёлларнинг мулкка эгалик қилиш, уни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи XIX асрнинг охиригача келиб эътироф этила бошлади. Мисол учун, Буюк Британия Парламенти 1882 йилда “Турмушга чиққан аёлнинг мулки тўғрисида”ги ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилди. Унга қадар эса турмушга чиққан аёлнинг барча мол-мулклари эркакнинг мулки сифатида эътироф этилган⁴. Ислон дини эса бундан XIV аср муқаддам аёлларнинг мулк ҳуқуқини кафолатлаб берган эди. Жумладан, эркак ва аёл ўртасида никоҳ тузилаётганида эркак зиммасига турмуш ўртоғига маҳр бериш мажбурияти юкланади.

Маҳр бериш фарз ҳисобланиб, ҳатто эр маҳрни беришдан олдин вафот этиб қолса ҳам, меросхўрлари маҳрни адо этишлари лозим бўлади.

Тадқиқотларга кўра, аёлларга қарши зўравонликнинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаган мамлакатларда аёлларнинг ўртача умр кечириш ёши эркакларникига нисбатан паст ҳисобланиши аниқланган⁵.

Бугунги кунда жамиятимизда учраб турган айрим муаммоларнинг сабаблари, уларни

³ Қуръони карим. «Аҳзоб» сураси, 35-оят.

⁴ Bridget Hill, Women, Work and Sexual Politics in Eighteenth-century England (London: Blackwell, 1989), 1988.

⁵ Violence against women. www.womankind.org.uk/policy-and-campaigns/

келтириб чиқараётган омиллар чуқур таҳлил қилинганда, турли соҳаларда учрайдиган хотин-қизларга нисбатан адолатсиз муносабат, уларнинг салоҳияти, фикри ва ташаббусларига етарли эътибор қаратмаслик эканига гувоҳ бўламиз.

Айрим кишилар борки, улар: “Қиз бола ўқиши шарт эмас. Аёлнинг иши уйнинг ичи билангина чекланади. Хотин киши эрнинг хизматкори”, деган тор дунёқараш билан юрадилар. Бундай калтабин қараш охир-оқибат бутун жамиятни қолоқликка бошлаши, таълим, фан, маданият сингари соҳаларнинг оқсашига олиб келади. Буни биз ўтган асрларда араб-мусулмон дунёсида рўй берган оғир ижтимоий-сиёсий инқирозлар мисолида ҳам яққол кузатдик.

Биргина мисол, буюк маърифатпарвар адиб Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида тилга олган фожиа ҳам аслида аёлларга нисбатан рўй берган адолатсиз ижтимоий муносабат ортидан содир бўлган эди. Адиб ўша давр аёлларининг миллат келажаги бўлган баркамол авлодни тарбиялашга лаёқатсизлиги, уларнинг бор фикру хаёли, ташвишлари маиший масалалар доирасида чекланиб қолганини очиб берган.

Асар қаҳрамонларидан бири Мирёкубнинг поездда жадид ҳамроҳи билан курган суҳбатига эътибор берсак:

“Сиз Абдисамат мингбоши деганни танийсизми?

– Ўзимизнинг Абдисамат калми? Танийман. Қишлоғи бизга яқин.

– Ана, ҳақиқий миллат ходими ўша! Ҳамма мингбоши ва амалдорларимиз ўша одамга ўхшаса, миллат тез тараққий қиларди.

– Қизларини янгича ўқитади, деб эшитаман.

– Қизларини янгича ўқитиш учун Уфадан махсус муаллима олдирган. Ҳозир ўша муаллимага ўз уйида янгича қизлар мактаби очиб

бермоқчи бўлибди. Яқинда юқорига ариза бериб, «усули жадид» мактаби очишга рухсат олди. Тошкентдан биз муаллим жўнатдик. У одам миллатнинг отаси. Ҳаммамизнинг отамиз!”⁶.

Бундан юз йил муқаддам Туркистон аҳлининг инқирозини келтириб чиқарган омил, минг афсуски, бугун ҳам айрим шахслар тилида янграб туради. Бу эса исломнинг маърифатпарвар ғояларини тушунмаслик оқибатидир.

Шундай соҳалар борки, уларни хотин-қизларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда ўзбек аёллари таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби тармоқларнинг жадал ривожланишига ўзларининг бекиёс ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз интилиш ва қобилиятларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2019 йил 17 августда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу эса аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш, уларнинг шаъни, кадр-қимматини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, динимиз аёлларга нисбатан гўзал муносабатда бўлишга буюради, уларни камситишнинг ҳар қандай шакллари ман қилади. Бу эса ижтимоий адолат ва тенгликнинг қарор топишига, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

⁶ Чўлпон. Кеча ва кундуз. Шарқ. Т.2000. 188-б.